
Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг Давлат грантлари ажратиш учун 2-танлови тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди “Ҳаракатлар стратегияси, “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастури ижросида фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирокини таъминлаш” мавзуида Давлат грантлари ажратиш учун 2-танловни ҳам эълон қилмоқда.

Танлов шартлари [қуйидагича](#) этиб белгиланган.

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди

“Ҳаракатлар стратегияси, “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастури ижросида фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирокини таъминлаш”

мавзуида Давлат грантлари ажратиш учун 2-танловни

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари қабул қилинади:

- 1.Жойларда бандликни таъминлашда, камбағалликни бартараф этишда, айниқса, ёшларни ва аёлларни касбга йўналтиришда давлат органлари билан ижтимоий шерикликни кучайтириш;
- 2.Уй хўжалиги асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда ННТва фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини қўллаб-қувватлаш;
- 3.Олис, тоғли ва чегара ҳудудларида аҳолига сифатли ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг инновацион чора-тадбирларини амалиётга жорий этиш;
- 4.Маҳаллаларда банд бўлмаган аҳолини, айниқса хотин-қизлар ва ёшларни ҳудуднинг хусусиятидан келиб чиқиб, уларнинг иқтисодий, молиявий ва бизнес соҳасидаги кўникмаларини юксалтириш ҳамда тадбиркорликнинг турли соҳаларига кенг жалб қилиш;
- 5.Маҳаллаларни ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожлантиришга қаратилган маҳаллий ривожланиш дастурларини давлат органлари билан ҳамкорликда амалга ошириш;
- 6.Ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб кам таъминланган ва даромади паст аҳоли қатламини аниқлаш, уларни ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолида тадбиркорлик руҳини кучайтириш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш;
- 7.Олис, тоғли ва чегара ҳудудларида мева-сабзавотчилик, узумчилик, уруғчилик, чорвачиликни ривожлантириш орқали камбағалликни бартараф этиш;

8. Банд бўлмаган аҳолини касбга қайта тайёрлаш ва ишсиз фуқароларни зарур касбларга ўқитиш ҳамда бандлигини таъминлаш;

9. Олис қишлоқ ҳудудларида ННТлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш, аҳолининг бандлиги самарадорлигини ошириш;

10. “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Обод марказ” ва бошқа Давлат дастурларидаги вазифаларни амалга оширишда ННТ ва фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

11. “Ҳар бир оила тадбиркор” Давлат дастури доирасида аҳолини, айниқса аёллар ва ёшларни касбга йўналтириш, тадбиркорликка жалб қилиш, имтиёзли кредитлар билан таъминлашда ННТларнинг тижорат банклари билан ижтимоий шериклигини кучайтириш;

12. Ёлғиз ва кўп болали оилалар фарзандларини, ишсиз ёшларни қўшимча касбларга (тикувчилик, пазандалик, сартарошлик ва бошқа йўналишлар) ўргатиш курсларини ташкил этиш ҳамда бандлигини таъминлашга кўмаклашиш;

13. Маҳаллий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали маҳаллаларда ижтимоий корхоналарни ташкил этиш ҳамда меҳнат бозорида рақобатбардош бўлмаган аҳоли қатламининг бандлигини таъминлаш;

14. Ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсизлар, ёшлар учун маҳаллаларда йирик тадбиркорлик субъектлари билан касаначилик асосида масофадан туриб ишлаш (“фрилансинг”) имкониятларини оммалаштириш;

15. Кам таъминланган ва даромади паст аҳоли қатламини аниқлаш, уларни ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш;

16. Давлат дастури ижроси устидан жамоатчилик назорати механизмларини жорий қилиш;

17. “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастури ижросининг аниқ натижаларни, ислоҳотлар жараёнларни хорижий ва маҳаллий ОАВларида кенг ёритиш.

Давлат гранти ажратиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;

2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;

3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси;

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсия ҳамда

қўллаб-қувватлаш хатлари.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 40 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар **2020 йил 15 апрелдан 18 майгача** қабул қилинади.

Ҳужжатлар **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига “Ўзбекистон почтаси” орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.

2020-04-15 17:11:17